



2017 yil « II » февраль № 63

Farg'ona shahri

Вилоятда ижара муносабатларини тартибга солиш ҳамда 2017 йилда давлат кўчмас мулклари учун қўлланиладиган ижара ҳақининг ягона энг кам ставкаларини тасдиқлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 8 апрелдаги «Давлат мулкани ижарага бериш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 102-сонли қарорига (Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 15-сон, 186-модда) асосан ҳамда 2017 йил учун иқтисодий ва ижтимоий дастурининг асосий муҳим йўналишлари ва устувор вазифаларида хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнес субъектларининг ҳуқуқлари ва манфаатлари ишончли ҳимоя қилинишига алоҳида эътибор қаратилганлиги шунингдек, 2017 йилда давлат кўчмас мулклари учун қўлланиладиган ижара ҳақидан фойдаланиш мақсадида ва Ўзбекистон Республикаси «Маҳаллий Давлат ҳокимияти тўғрисида»ги Қонуннинг 6, 25-моддаларига мувофиқ,

ҚАРОР ҚИЛАМАН

1. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг жадал ривожланишини таъминлаш, инвестиция ва ишбилармонлик муҳитини яхшилаш мақсадида 2017 йил учун фаолият турларига нисбатан давлат мулкидан фойдаланиш бўйича 2016 йилга белгиланган ижара ҳақининг энг кам ставкалари амалда фойдаланиш учун қолдирилсин.

Бунда, «Давлат мулкани ижарага бериш маркази» давлат унитар корхонасига ижтимоий соҳа бошқармалари ҳамда шаҳар ва туман ҳокимликлари билан биргаликда 2017 йилга белгиланган ижара ҳақининг энг кам ставкалари миқдорини ўзгармаган ҳолда сақланиши ҳисобига маҳаллий бюджетга тушмай қоладиган маблағларни ижарага бериладиган давлат объектларининг сони кўпайтириш ҳисобига қоплаш чораларини кўриш вазифаси юклатилсин.

2. Фаолият турларига нисбатан давлат мулкидан фойдаланганлик учун белгиланган ижара ҳақининг энг кам ставкалари 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Вилоят «Давлат мулкани ижарага бериш маркази» давлат унитар корхонаси мазкур иловада кўрсатилган ягона энг кам миқдордаги ижара ставкаларидан ижара ҳақининг шартнома қийматини белгилашда таянч ставка сифатида фойдалансин.

3. Давлат кўчмас мулкидан фойдаланганлик учун ижара тўловининг энг кам ставкаларига қўлланиладиган оширувчи коэффициентлар 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 30 ноябрдаги 315-сонли қарори 3-1-бандига асосан ҳар йили давлат мулки бўлган бинолар ва хоналарда жойлашган бюджет ташкилотлари учун ижара тўловининг ноль ставкаси белгилансин.

5. Шаҳар ва туман ҳокимликларига:

Худудларидаги давлат корхона ва ташкилотлар тасарруфида бўлган фойдаланилмай бўш турган давлат объектларини доимий хатловдан ўтказиб бориш ҳамда ўтказилган хатлов натижалари бўйича маълумотларни вилоят Давлат мулкани ижарага бериш марказига мунтазам тақдим этиб бориш вазифаси юклатилсин.

Балансида сакловчиларнинг мансабдор шахслари уларнинг тасарруфида бўлган фойдаланмаётган ҳамда ижарага берилаётган давлат мулки тўғрисидаги маълумотларни Давлат мулкани ижарага бериш марказига ўз вақтида, тўлиқ ва ишончли берилиши учун шахсан жавобгардир.

6. Вилоят Молия бошқармаси (А.Ортиқов), вилоят Давлат Солик бошқармаси (А.Тешабоев) ҳамда вилоятдаги давлат муассасалари ўз тизимлари ва тасарруфларидаги фойдаланилмай бўш турган нотурар объектларини вилоят «Давлат мулкани ижарага бериш маркази» ДУК билан биргаликда хатловдан ўтказиб бориш ҳамда ижарага берилган мулкларни доимий мониторинг қилиб борсин.

7. Вилоят «Давлат мулкани ижарага бериш маркази» давлат унитар корхонаси (М.Баннапов) хатлов натижасида аниқланган фойдаланилмай бўш турган объектларни белгиланган тартибда тадбиркорлик субъектларига ижарага бериш ишларини жадаллаштирсин;

Ижарага берилган Давлат мулкларни ҳисобидан ижара тўловларини ўз вақтида ундириш юзасидан белгиланган тартибда чоралар кўриш ҳамда мазкур тўловларни ундирилишига маъсул эканлиги белгилаб қўйилсин.

8. Мазкур қарор «Фарғона ҳақиқати» ва «Ферганская правда» газеталарида расмий эълон қилинсин ҳамда вилоят ҳокимлигининг веб-сайтига жойлаштирилсин.

9. Белгилансинки, мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

10. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш вилоят ҳокимининг ўринбосари С.Қўчқоров зиммасига юклатилсин.

Вилоят ҳокими



Ш. Ғаниев .

**Фаолият турларига нисбатан давлат мулкидан фойдаланганлик учун
 белгиланган ижара ҳақининг энг кам ставкалари**

(Бир йилга умумий фойдаланиш майдонининг 1 кв.м. учун сўм ҳисобида)

№	Фаолият турини кодлари	Ижарачиларни фаолият турлари	1 кв.м. учун йиллик ижара ставкаси
САНОАТ			
1	11200	Ёнилғи саноати	3500
2	13100	Кимё саноати	3500
3	13300	Нефт-кимё саноати	3500
4	14100	Машинасозлик	3500
5	14200	Дастгоҳсозлик ва асбобсозлик саноати	3500
6	14300	Ҳисоблаш воситалари саноати	3500
7	14400	Трактор ва қишлоқ хўжалик машинасозлиги	2800
8	14500	Қурилиш, йўл ва коммунал машинасозлик	2800
9	14600	Енгил ва озиқ-овқат ҳамда маиший асбоблар саноати машинасозлиги	2800
10	14710	Санитар-техник ва газ ускуналари ҳамда буюмлари ишлаб чиқариш	3500
11	14800	Метал конструкция ва буюмлар саноати	3500
12	14900	Машина ва ускуналар таъмирлаш	3500
13	14780	Машинасозликнинг бошқа тармоқлари	3500
Ўрмон, ёғочни қайта ишлаш ва целлюлоза-қоғоз саноати			
14	15100	Ёғоч тайёрлов саноати	3500
15	15200	Ёғочни қайта ишлаш саноати	3500
16	15300	Целлюлоза – қоғоз саноати	3500
17	16100	Қурилиш материаллари саноати	3500
Енгил саноат			
18	17100	Тўқимачилик саноати	3500
19	17200	Тиқувчилик саноати*	3500
20	17300	Чарм, мўйна ва пойафзал саноати	3500
21	17900	Енгил саноатнинг бошқа соҳалари	3500
Озиқ-овқат саноати			
22	18100	Озиқ-овқат саноати (балиқ, гўшт, ёғ-пишлоқ, ва сут саноатидан ташқари)	3500
23	18200	Гўшт ва сут саноати	3500
24	18300	Балиқчилик саноати	3500
25	19210	Ун ёрма ишлаб чиқариш саноати	3500
26	19220	Комбикорм (аралаш озуқа) саноати	2800

27	19700	Саноатнинг бошқа соқалари	3500
		Саноатнинг бошқа соқалари	
28	19300	Тиббиёт саноати	3500
29	19400	Нашриёт саноати	9900
30	19740	Кийим-кечак, ва газламадан тайёрланган бошқа буюмларни кимёвий тозалаш, бўяш, ювиш ва уларга ишлов бериш.*	4200
31	19900	Саноат-хўжалик бошқаруви	9900
		Қишлоқ хўжалиги	
32	21100	Ўсимликчилик (шу жумладан иссиқхона хўжалиги) 1 га. нисбатан	1411200
33	21200	Чорвачилик ва паррандачилик	1700
34	21300	Балиқчилик (шу жумладан уругчилик) 1 га. нисбатан	1411200
35	22200	Ветеринария хизмати	3500
36	22300	Қишлоқ хўжалигига хизмат кўрсатувчи бошқа ташкилотлар	3500
37	30000	Ўрмон хўжалиги (шу жумладан боғлар) 1га. нисбатан	1411200
		Транспорт ва алоқа	
38	51111	Умумфойдаланишдаги ер усти темир йул транспорти	3500
39	51121	Автомобил хўжалиги (автосарой, таксисаройи, автобекатлар, гараж, автоювиш)	3500
40	51121	Автомобил хўжалиги (жарима майдони)	900
41	51520	Аҳоли буюртмаси бўйича юкларни ташиш ва бошқа транспорт-экспедиция хизмати	6400
42	52100	Почта алоқаси	3500
43	52200	Курьерлик алоқа хизмати	7000
44	52300	Электр-кабел алоқаси	7000
45	52300	Радио, уяли алоқа ва пейджир алоқа (махкамлаш периметри, технологик майдонлар ва иншоотлар билан)	29600
		Қурилиш	
46	60000	Қурилиш	3500
47	66000	Лойиха, лойиха қидирув ва қидирув ташкилотлари	3500
		Савдо ва умумий овқатланиш	
48	71100	Улгуржи савдо	9900
49	71130	Улгуржи савдо бозорлари	25400
50	71200	Чакана савдо	9900
51	71300	Умумий овқатланиш*	9900
52	71200	Китоб дўконлари *	1400
53	71400	Маданий-маиший ва хўжалик буюмларини ижарага бериш	9860
54	71500	Халқ истеъмол молларини олиш ва сотишда воситачилик хизмати	15500
55	80000	Моддий-техника таъминоти ва сотиш	9900
56	82000	Ахборот-хисоблаш хизмати	9900

57	82100	Интернет ва компьютер тармоғи бўйича хизмат кўрсатиш	9900
58	83000	Кучмас мулк билан муомала	9900
59	84300	Реклама, ваколатлик хизмати	9900
60	84400	Аудиторлик фаолияти	9900
61	84500	Маркетинг тадқиқотлари, тижорат фаолияти, молия ва бошқарув муассасалари бўйича маслаҳат хизмати.	9900
62	85000	Геология ва ер, сув ости бойликларини қидириш, геодезия ва гидрометеорология хизмати	17600
63	87100	Тахририят ва нашриёт	5600
64	87300	Метал чиқиндилари ва чиқинди хом ашёларини йиғувчи тайёрлов идоралари	5600
65	90100	Тураржой хўжалиги	5600
66	90220	Мехмонхона хўжалиги	11300
67	90300	Маиший хизматнинг ноишлаб чиқариш турлари	5600
68	90300	Сарторощона, суръатхона, чевархона ва пойафзал таъмирлаш устахонаси	8500
69	90300	Ломбард	12700
70	90300	Хаммомлар учун	17000
71		Сауналар ва ховузлар учун	33900
		Соғлиқни сақлаш, жисмоний тарбия ва ижтимоий таъминот	
72	91510	Соғлиқни сақлаш	7000
73	91600	Дам олиш ва саёхлик*	7000
74	91611	Маданий дам олиш ва кўнгиш очар тадбирларини ташкил этиш марказлари (бильярдхоналар, автомат ўйинлари, дискотека ва бошқалар)	11300
75	91700	Жисмоний тарбия ва спорт *	3500
76	71212	Дорихона**, кўзойнак ва тиббий асбоб-ускуналар сотиш дўконлари	5600
		Халқ таълими	
77	92100	Олий ва ўрта махсус маълумотли мутахассисларни тайёрлаш (ўқув курслари билан)*	5600
78	92200	Ишчиларни ва бошқа ходимларни тайёрлаш ва малакасини ошириш*	4900
79	92310	Болалар умум таълим мактаблари (нодавлат ташкилотлари учун)*	2800
80		Умум таълим муассасаларида умумий овқатланиш хизматлари*	3500
81	92400	Мактабгача тарбия муассасалари (нодавлат ташкилотлари учун)	2800
82	93000	Маданият ва санъат*	9900
83	93132	Кўргазмалар	8500
84	93145	Мактабдан ташқари тарбия	2800
85	93160	Истирохат ва маданият парклари*	7000
86	93170	Ботаника боғлари ва зоопарклари*	7000
87	93180	Телевидения ва радиоэшиттириш тахририятлари	7000

88	93620	Киностудия, овоз ёзиш студиялари	11300
89	95000	Фан ва илмий хизмат кўрсатиш	4200
		Молия-кредит фаолиятлари	
90	96000	Молия, кредит ва нафақа таъминоти (суғурта ва аудиторлик фаолиятларидан ташқари).	9900
91	96100	Банк фаолияти	9900
		Бошқа фаолият турлари	
92	96200	Суғурта	9900
93	97800	Суд ва ҳуқуқ муассасалари	8500
94	97820	Адвокатлар коллегияси ва ҳуқуқий маслаҳатхоналари	8500
95	98000	Жамоат бирлашмалари	2800
96	80200	Омборхона учун	9900
97		Давлат корхоналари учун идора	4200
98		Нодавлат муассасалари учун идора	15500
99		Автомобилларга ёқилғи қуйиш шахобчалари	11300
100		Енгил ва бошқа турдаги автомобилларни таъмирлаш ва техник хизмат курсатиш (шу жумладан вулканизация)	11300
101		Лаборатория	7000
102		Турли хизматларга пул тулаш (пайнет)	28300
103		Маданий мерос булган бино ва иншоотларида савдо фаолияти	15500
104		Маданий мерос булган бино ва иншоотларида умумий овқатланиш хизмати*	13500
105		Авиакасса (шу жумладан транспорт ва темир йул ва бошқалар)	15500
106		Банкоматлар	141300
107		Нон ва булочка маҳсулотлари тайёрлаш	9900

Изоҳ:

* Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 30.06.2009 йилдаги 07/10-41-сонли йиғилиш қарорини 11 бандига асосан ҚВП-ларда очилган мулкчилик шаклидан қатъий назар барча дорихона шахобчаларига ижара ҳақининг “нол” тариф ставка қўлланилади.

** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 22.11.2012 йилдаги № 02/1-74-сонли топшириғига асосан Ўзбекистон Республикаси Мудофаа Вазирлиги Савдо бошқармаси тизими бўлимларига қарашли ёпиқ харбий шахарча ва узоқ горнизонларда жойлашган давлат кўчмас мулкни ижарага беришда ижара ҳақининг “нол” тариф ставкаси қўлланилади.

*** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 24.07.2014 йилдаги 02/107-2670-сонли топшириғига асосан 2014 йил 1 августдан Қорақалпоғистон Республикаси, Қашқадарё, Навоий, Фарғона, Тошкент вилоятлари ва Тошкент шаҳри (жумладан: Миробод тумани) бўйича “Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати” ЎзЛиДеП Кенгашлари ҳамда “XXI аср” социал-сиёсий газетаси таҳририятлари учун Партиялар балансидаги давлат кўчмас мулкдан фойдаланганлик учун ижара ҳақининг “нол” тариф ставкаси ўрнатилсин.

**** Алоҳида ажратилган асфальт ёки бетон қопланган майдонларга антенна-мачта конструкцияси ва алоқа оператори телекоммуникация қурилмаси ўрнатилганда фойдаланиладиган майдон учун ижара ҳақи тўловлари технологик майдоннинг умумий периметри бўйича, ҳисобланадиган майдонга тутшиб кетган ҳудуддан фойдаланиш коэффициентини қўлланилган ҳолда ҳисобланади. Бунда, қурилиш тури бўйича коэффициент (Кк) қўлланилмайди.

Давлат кўчмас мулкidan фойдаланганлик учун ижара тўловининг энг кам ставкаларига қўлланиладиган оширувчи коэффициентлар

№	Ижара объектларининг жойлашган ўрни ва турлари бўйича	Қўлланиладиган коэффициентлар	
		Шахар худуди бўйича	Туманлар худуди бўйича
1	Ижара объектнинг худудий зоналари бўйича коэффициент (Кз)	1,5	1,3
2	Ижара объектнинг қурилиш тури бўйича коэффициент (Кк)	-	-
	Жумладан:	-	
	-алохида турадиган бинолар учун	1,5	1,3
	-қўшимча қурилган бинолар учун	1,3	1,2
	-бинонинг том қисми учун	0,4	0,4
	-чердак қисми учун	0,4	0,3
	-болахона қисми учун	0,3	0,3
	-ярим ертўла қисми учун	0,3	0,2
	-ертўла қисми учун	0,3	0,2
3	Туташ худуддан фойдаланиш коэффициенти (Кх)	0,8	0,7
4	Ижара объектдан тижорат мақсадларида фойдаланишда қулайлик коэффициенти (Ко) (асосий автотранспорт йўллари бўйлаб жойлашиш, иккинчи даражали автотранспорт йўлларига чиқишда жойлашиш ва бошқалар).	1,5	1,3
	Уяли алоқа компанияларининг биноларнинг том қисмидаги қурилмалар учун	0,4	0,4

Бинолар ва иншоотлар бўйича ижара тўловини (ижара тўловининг таянч ставкаси) ҳисоблаб чиқиш қуйидаги тарзда аниқланади:

$$T_c = Эс * K_z * (K_k + K_x + K_o)$$

Бунда:

T_c-бир йилга бир кв.м. учун ижара тўловининг таянч ставкаси:
Эс-бир йилга бир кв.м. учун энг кам ижара ставкаси.

